

смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иккисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олинishi, агарда танловда бўлмаса смета ҳужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этилади;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

қурилиш майдонида техника ва ёнгин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.3. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга оширилаётган жойлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда барча турдаги хавфсизлик қондаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашига жавобгар ҳисобланади.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Буюртмачи томонидан Пудратчининг ҳисоб рақамига 30 фоиз аванс ўтказиб берилган кундан бошлаб, Пудратчи шартномада белгиланган ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини 57 кун ичида тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда Наманган вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлав комиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. TЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз миқдорига аванс маблағи тўлаб беради.

7.2. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан ақс эътирилади ва “Маҳаллий буюджет ва вазирликнинг жамғармаси” томонидан маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан молиялаштирилади.

7.3. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи миқдорда амалга оширилади.

7.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз миқдоридagi маблағ мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақлим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўратилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўқисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кундан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнанинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиалига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўратилган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори

ташкilotи вакили, лойиҳа ташкilotи вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси ақс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкilotи жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида ақс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.17. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни суғуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, қунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 қун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилила, қўчки, бўрон, қургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини қўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага қелган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳоқама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар

томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.11. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборати.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартнома қўйидаги ҳолатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70% ни шахсан ўзи бажариш учун старли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вақтдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 70% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришни сўраб "Қўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиал раҳбарига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш ҳажмининг 70%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

13.14. Пудратчи буюртмачига қайси ва ишларнинг қанча миқдорини ўзи ва қанча миқдорини ёрдамчи пудрат ташкилотлар томонидан қилдирмоқчи эканлиги ҳамда қилдираётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ифодаланувчи ҳужжатларни буюртмачининг оғзаки ёки ёзма сўровига асосан шу куннинг ўзида тақдим этиши.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКӢЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортлади.

14.3. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қўйидаги ишлар бўйича мулкӣй жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;

- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;

- объектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлиқ бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

- Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши "Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси" нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича "Буюртмачи" "Пудратчи" нинг олдида жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун

ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчида сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тегишли ҳужжатлар асосида чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал эта олмаган тақдирда улар Наманган туманлари ҳужалик суди орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Пудратчининг бошқа харажатлари ва чикимлари тасдиқланган "Манзилли рўйхат" ва таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағ доирасида аниқланади.

16.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.8. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунча амал қилади.

16.9. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

16.10. Мазкур шартнома шаҳар газначилик бошқармасига электрон тартибда тақдим этилгандан сўнг ҳуқуқий кучга қиради.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК

Манзили: Наманган, ш. Маргилон кўчаси 10-уй

Д/С: 40012186014401706990211001

МФО: 00014, СТИР: 307916752



Рахбари: Б.Абдуразаков

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Газначилиги

Х/Р 23402000300100001010

Банк номи: МБХКМ Тошкент шаҳар бош бошқармаси

Манзил: Наманган, ш. Маргилон кўчаси 10-уй

СТИР (ИНН): 201122919 МФО: 00014

Тел: +998(97) 815-02-02

Юрист: Ж.Парпибаев

“ПУДРАТЧИ”

“ZERO MAX MAHSUS QURILISH” МЧЖ

Манзили: Наманган ш. Орзу кўчаси 11-уй

Банк номи: Турон банк Наманган филиали

Х/Р: 2020 8000 7008 9460 8001

МФО: 00226

ИНН: 305622306

Тел: +998(97) 811-02-02



Рахбари: Р.Убайдуллаев

"УТВЕРЖДАЮ"

"Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Наманган вилояти худудий филиали рахбари
Б.Абдуразаков



от " " 2022 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Косонсой туман Обод МФИ Наво кучаси 1,2-уйларни том фасад ва кириш йулаklarини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш ишлари
2. Отрасль	Уй-жой коммунал вазирлиги
3. Инвестор	Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
4. Заказчик	"Куп хонадонли уйларни иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Наманган вилоят филиали "Зеро Мах махсус курилиш" МЧЖ
5.2. ПСД и/или ТД	Имеется
5.3. Экспертизы	26.03.2022 йил № 34639
6.1. Генеральный подрядчик	"Зеро Мах махсус курилиш" МЧЖ
7. Источник финансирования	Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г.

Основные показатели стройки:	По ПСД	Остаток на 1.01.2022 г.	Остаток на 1.01.2023 г.
Мощность (в соответст-единицах измерения)	1 объект	1 объект	
Основные фонды	443,796	443,796	0
Капитальные вложения	443,796	443,796	0
Строительно-монтажные работы	357,9	357,9	0
Оборудование, инвентар	0	0	0
Прочие работы и услуги	68,001	68,001	0
Содержание службы заказчика	17,895	17,895	0
Прогноз на 2022 год в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком	В договорных ценах (млн.сум)		
Мощность (в соответст-единицах измерения)		1 объект	
Основные фонды		443,796	
Капитальные вложения		443,796	
Строительно монтажные работы		357,9	
Оборудованис, инвентар		0	
Прочие работы и услуги		68,001	
Содержание службы заказчика		17,895	

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год. (в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности					
Основные фонды	443,796		443,796		
Капитальные вложения	443,796		443,796		
Строительно-монтажные работы	357,9		357,9		
Оборудование, инвентар	0		0		
Прочие работы и услуги	68,001		68,001		
Содержание службы заказчика	17,895		17,895		

Заказчик:

"Куп хонадонли уйларни иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Наманган вилоят филиали рахбари



Б.Абдуразаков

Подрядчик:

"Зеро Мах махсус курилиш" МЧЖ



Р.Убайдуллаев

ОБЩИЙ ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВО РАБОТ ПО ОБЪЕКТУ
Косовсой туман Обод МФЙ Наво кучаси 1,2-уйларни том фасад ва кичирши йулакларини жорий таъмирлаш ҳамда кичирши эшикларини алмаштириши ишлари
И ТЕКУШЕГО ФИНАНСИРОВАНИЯ

Общая стоимость работ 357 913 523 (Уч юз эллик етти миллион туххуз юз уч минг беш юз йитирма уч) сум ККС билан,


2022 г.	Стоимость работ	2022 год												
		февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
Всего по объекту	357 913 523	0	0	0	357 913 523	0	0	0	0	0	0	0	0	0
В том числе:														
Строительно-монтажные работы	357 913 523	0	0	0	357 913 523	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Заказчик:

"Қўп қондонли уйларни иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Наманган вилоят филialesи раҳбари



Подразчик:



ОБЩИЙ ГРАФИК ФИНАНСИРОВАНИЯ РАБОТ ПО ОБЪЕКТУ
Квотной группы Область МФФ Наво Кучукс 1,2-убудон чун фазил ва кариш буладаран чун фазил ва кариш таълимлари ташкил этиши таълимлари амалдорлари ишлари
С УЧЕТОМ УСЛОВИЙ АВАНСИРОВАНИЯ
И ТЕКУЩЕГО ФИНАНСИРОВАНИЯ

Общая стоимость работ 357 913 523,00 (357 млн 913 тысячи 523 руб) из уч. шани била иш ва кариш (уч) сум ККС била.


УСЛОВИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ	№ п/п	2022 год												2023 год				
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь					
Аванс в размере 30%	107 374 056,00					107 374 056,00												
Текущее финансирование в размере 65 % от выполняемых объемов работ	232 643 789,95					232 643 789,95												
Текущее финансирование в размере 5 % от выполняемых объемов работ	17 895 676,15																	17 895 676,15
ИТОГО:	357 913 523,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	17 895 676,15

Исполнитель:

"Қуш қонлиқлар уйлари институти ташкилоти
 "Областларда қуриши бўлиши таълимлари"
 компанияси" ДУК Наманган вилояти Фазил
 раёни



Подписчик:



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 66666 на приобретение Наманган вилояти Косонсой тумани Обод МФЙ Наво кўчаси 1,2 уйларни том фасад ва кириш йўлаklarини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш.

Способ проведения электронный

Дата 30.04.2022

Время рассмотрения 23.04.2022 17:36

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларни куриш буйича Инжиниринг компанияси ДУК Наманган вилояти Худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TURG'UNOV ADHAMJON RAVSHANOVICH	Бошқарма бошлиғи	Наманган вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Секретарь комиссии	OBIDOV BAXTIYOR ZOXIDJON O'G'LI	Бош мутахасис	"КХУМ ва ЖТХИТОҚБИК" ДУК Наманган вилояти худудий филиали
Член комиссии	KARIMOV MIRSHOXID ZOXID UGLI	Бош мутахасис	Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси
Член комиссии	YUSUPOV KOMIL TURSUNOVICH	Кўп хонадонли Уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Наманган вилояти худудий инспекцияси бошлиғи	Кўп хонадонли Уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Наманган вилояти худудий инспекцияси
Член комиссии	DEDAHANOV FARXOD BAKHODIROVICH	Инвестиция дастурларини шакллантириш, тахлил қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўлими бош мутахассиси	Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағилликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Бўлим бошлиғи	Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилоят худудий бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Вилоят Курилиш соҳасидахудудий назорат инспекцияси бошлиқ ўринбосари	Вилоят Курилиш соҳасидахудудий назорат инспекцияси
Член комиссии	ABDURAZAKOV BEXZOD BAXRAMOVICH	рахбар	"КХУМ ва ЖТХИТОҚБИК" ДУК Наманган вилояти худудий филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.04.2022 года № лота 66666.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Наманган вилояти Косонсой тумани Обод МФЙ Наво кўчаси 1,2 уйларни том фасад ва кириш йўлакларини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	361 528 811.00
Стартовая сумма	361 528 811.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш ва таъмирлаш ишларига зарур техникалари ва кичик асбоб ускуналар рўйхати паспорти

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ва таъмирлаш ишларига зарур техникалари ва кичик асбоб ускуналар рўйхати паспорти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ВЕТАКРОР QURILISH 2020	15	мавжуд	2	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	15	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №2 Курилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ва таъмирлаш объектнинг курилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ВЕТАКРОР QURILISH 2020	17	мавжуд	17	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	17	мавжуд	17	Экспертная		

Критерий №3 Ишчи ходимлар хақида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Етарли касбий ва техникавий малака, ташкилотнинг таркибий структураси, мавжуд техник имкониятлари, лойиҳа ташкилотларида ишловчи ходимлар ҳақида ва уларнинг асосий ёки ўриндошлик ишчи ўринлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотнома. (Олий маълумотли курилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбар-1 киши; олий маълумотли профил бўйича 2 кишидан кам бўлмаган инженер-техник ходимларни мавжудлиги; доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО БЕТАКРОР QURILISH 2020	17	1	15	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	17	1	17	Экспертная		

Критерий №4 Бажарилган ишлар тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик - буюртмачи билан шартнома ва нусхаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО БЕТАКРОР QURILISH 2020	17	1	17	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	17	1	17	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, Низом, (Аслига тўғри муҳри билан)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО БЕТАКРОР QURILISH 2020	17	1	17	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	17	1	17	Экспертная		

Критерий №6 молиявий аҳволи тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ташкилотнинг охирги уч йиллик молиявий аҳволи тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО БЕТАКРОР QURILISH 2020	17	1	15	Экспертная		
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	17	1	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

..						
----	--	--	--	--	--	--

	сумма	сумма	предложения	стоимости (балл)
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	361 528 811.00	357 913 523.00	22.04.2022 17:32:02	40.00
ООО BETAKROR QURILISH 2020	361 528 811.00	360 444 225.00	22.04.2022 12:08:55	39.72

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH	52.8	40	92.8
ООО BETAKROR QURILISH 2020	49.8	39.72	89.52

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 66666 от 30.04.2022 года на приобретение Наманган вилояти Косонсой тумани Обод МФЙ Наво кўчаси 1,2 уйларни том фасад ва кириш йўлакларини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш. определила победителем:

ООО ZERO MAX MAHSUS QURILISH
305622306

и резервный исполнитель: **ООО BETAKROR QURILISH 2020** (306386149)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	ABDURAZAKOV BEHZOD BAXRAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV MIRSHOXID ZOXID UGLI	Согласен	
Член комиссии	YUSUPOV KOMIL TURSUNOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	TURG'UNOV ADHAMJON RAVSHANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

«7» май 2022 йил

Наманган шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи раҳбар Б.Абдуразаков бир томондан ва (<https://etender.uzex.uz> махсус портали 2022-йил “30” апрель 66666-сонли баёни) “ZERO MAX MAHSUS QURILISH” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият директори Р.Убайдуллаев иккинчи томондан, Наманган вилояти Косонсой тумани Обод МФЙ Наво кўчаси 1,2 уйларни том фасад ва кириш йўлакларини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш (лот № 22110012066666) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар турқуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан ҳулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати, тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан, ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚС билан 357 913 523 (уч юз эллик етти миллион тўққиз юз ўн уч минг беш юз йигирма уч) сўми ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ўн фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табiiй газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартонома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 7 ” май 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти худудий филиали томонидан 2022 йил “ 15 ” апрель даги 22110012066666 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарори ижроси юзасидан 2022-йилда Наманган вилояти Косонсой тумани Обод МФЙ Наво кўчаси 1,2 уйларни том фасад ва кириш йўлакларини жорий таъмирлаш ҳамда кириш эшикларини алмаштириш ишлари режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни—60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Zero Max Mahsus Qurilish LLC” томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш қуни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

 Б.Абдуразақов

Давлат буюртмачи ташкилоти Маркетинг

булими бош мутахассиси

 Б.Обидов

